
Лазизбек халқаро кўрик танлов совриндори

Айни кунларда Баку шаҳрида санъатнинг 10 та йўналиши бўйича 288 та миллат ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтаётган “БІЗ БАҚЫТТЫ БАЛАМЫЗ” халқаро кўрик танловда юртимиз вакиллари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Хусусан юртимиз вакиллари орасида туманимиздаги Шахнозахон Раҳимова раҳбарлигидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчилари ҳам бор.

Кўрик танловда ушбу мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан бири Турдалиев Лазизбек Асилбек ўғли кўрик танловнинг “Халқ чолғулари доира” йўналиши бўйича иштирок этиб фаҳрли 2-ўринни қўлга киритди.

Лазизбекни ушбу ғалаба билан муборакбод этамиз

2024-03-31 08:40:41